

ТАЖРИБА ВА АМАЛИЁТ

ЭНГ КАТТА БОЙЛИК —
БУ АҚЛ-ЗАКОВАТ ВА ИЛМ

Қаландар АБДУРАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Фанлар
академиясининг академиги

Ҳозирги даврда мамлакатнинг тараққиёти фақат мавжуд табиий бойликлар ёки аҳоли сонига боғлиқ бўлмай қолди. Жаҳон банки маълумотларига кўра, курраи заминимиз умумий бойлигининг 66 фоизи инсон капиталига, яъни инсоннинг илм даражасига тўғри келмоқда. АҚШда ушбу кўрсаткич миллий бойликнинг 77 фоизига тенг.

Шунинг учун давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Энг катта бойлик — бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос — бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик — бу билимсизликдир!” деб айтилгани бежиз эмас.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда илм соҳасида аввалги ўн йилликлардагига қараганда ҳам салмоқли ишлар қилинди. Биргина олий таълим муассасалари сони 114 тага етди. Сўнги уч йилнинг ўзига 6 та янги олий таълим муассасаси, 17 та филиал ва хорижий ОТМларнинг 14 та филиали ташкил этилди. Уларда тахсил олаётган талабалар сони сўнги уч йилда 1,7 баравар ошди.

Республикаимизнинг 16 та олий ўқув юртида хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Аммо ушбу йўналишда қиладиган ишлар ҳали жуда кўп. Хусусан, умумтаълим мактабларида 2 700 дан ортиқ педагог кадрга эҳтиёж бор. Бу муаммо олий таълим муассасаларида ҳам мавжуд. Ўзбекистонда умумтаълим мактабларини ва лицейларни тугаллаганларнинг олий таълим билан қамров даражаси ривожланган давлатларга қараганда пастлигича қолмоқда. Олий таълим муассасалари илмий фаолияти ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларидан келиб чиқиб ташкил этилмаган.

Жамиятимизда замонавий билимларни ўзлаштириш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак. Мурожаатномада мактаб битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражасини 2020 йилда камида 25 фоизга ва келгусида 50–60 фоизга етказиш вазифаси белгилангани бу борада сезиларли қадам ташланишига замин яратди.

Айниқса, олий таълимда давлат грантларини 2 баравар кўпайтириш, ўқув жараёнини кредит-модуль тизимига ўтказиш, педагогик таълимнинг 6 та йўналиши бўйича ўқиш муддатини 3 йилга тушириш каби режалар ижроси Ўзбекистонда таълим тизимини янги босқичга кўтарди.

Бугун тобора катта эътибор қаратилаётган рақамли билимлар ва замонавий ахборот

технологияларини эгаллаш бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Бу ўз-ўзидан рақамли иқтисод ривожига олиб келади. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш мамлакатимизнинг келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларидан бири этиб белгиланди. 2020 йилнинг Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили деб эълон қилиниши бу вазифани бажаришга мустақам замин яратади.

Рақамли иқтисодиёт иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш тизимидир. Баъзида у интернет иқтисодиёти, янги иқтисодиёт ёки веб-иқтисодиёт деган терминлар билан ҳам ифодаланган.

1995 йилда америкалик дастурчи Николас Негропонт “рақамли иқтисодиёт” терминини амалиётга киритди. Ҳозирда бу истилоҳни бутун дунёдаги сиёсатчилар, иқтисодчилар,

ҳақида илк марта ҳисобот эълон қилди (“Рақамли дивидендлар”).

Тараққий этган давлатларда “Саноат-4.0” ибораси пайдо бўлганига бир неча йил бўлди. “Саноат-4.0” дастури тараққиётнинг янги — “рақамли иқтисодиёт” босқичи бошланганини аниқлатади. Бугунги кунга келиб жаҳонда рақамли иқтисодиёт ҳажми тараққий этган 20 та мамлакатда 2 триллион АҚШ долларини ташкил этаётгани ҳисоблаб чиқилган. Бу борада пешқадам Буюк Британияда эса у ҳозирнинг ўзига миллий ялпи ички маҳсулотнинг 12 фоизига етди.

Ўзбекистон учун “Саноат-4.0” яратадиган энг катта имкониятлар ҳам, муайян хавфлар ҳам инсон омили билан боғлиқ. Чунки меҳнат ресурсларида интеллектуал салоҳиятнинг роли тобора ошиб бориши ушбу янги даврнинг характерли хусусиятидир. Марказий Осиёда энг кўп аҳолига эга Ўзбекистоннинг, албатта, бу борада катта имкониятлари мавжуд. Тўртинчи саноат инқилобида капиталга таянган иқтисодиёт ўрнини “истеъодлар иқтисодиёти” эгаллай болашаки ҳисобга олсак, айнан инсон капиталини кўтаришга устуворлик берилишининг зарурати ойдинлашади. Шу билан бирга, “Саноат-4.0” дастури доирасида ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларининг рақамлашуви ва автоматлашуви натижасида кўплаб иш ўринлари қисқариб кетади. Меҳнатга

тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади.

“Саноат-4.0” дастури технологик ва бизнес жараёнларини тўлалигича — ишлаб чиқариш, логистика ва тайёр маҳсулотлар савдосини рақамлаштиришни назарда тутаяди. Мурожаатномада бунинг ечими сифатида Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун 1 миллион дастурчи тайёрланиши айтилди. 2020 йилнинг ўзига транспорт, геология, таълим, архив каби соҳаларни тўлиқ рақамлаштириш белгиланди.

Бу жараённинг таркибий қисми сифатида Тошкент шаҳрида IT Park барпо этилди. Бундай парклар Нукус, Наманган, Гулистон, Урганч шаҳарларида ҳам ташкил этилмоқда. Ҳозирги кунда Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиалида Рақамли иқтисодиёт факультети очилиб, тегишли дарсликлар ва ўқув қўлланмалари тайёрланмоқда. Шу билан бирга, ўқув юртида рақамли иқтисодиёт ва бизнес аналитика лабораториялари ҳамда РЭУ#Coworking маркази очилди. Улардан нафақат филиал талабалари, балки рақамли иқтисодиёт муаммоларини ўрганиш истиғини билдирган бошқа ўқув юртлари талабалари, турли ташкилотлар ходимлари кенг фойдаланиш имконияти мавжуд.

“Илм йўқ жойда қолюк, жаҳолат ва, албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади”. Нақадар

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ДАВЛАТ ГРАНТЛАРИНИ 2 БАРАВАР КЎПАЙТИРИШ, ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИГА ЎТКАЗИШ, ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМНИНГ 6 ТА ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ЎҚИШ МУДДАТИНИ 3 ЙИЛГА ТУШИРИШ КАБИ РЕЖАЛАР ИЖРОСИ ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРАДИ



журналистлар, тадбиркорлар — деярли барча қўлламоқда. 2016 йилда Жаҳон банки дунёдаги рақамли иқтисодиётнинг аҳоли

лаёқатли аҳолини, биринчи навбатда, ёшларни янги технологик даврда яшаш ва меҳнат қилишга

ҳаётий сўзлар! Ҳақиқатан ҳам ақл-заковат ва илм — тараққиёт қаноти.